

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.Fil.72.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АДИЗОВА НОДИРА БАХТИЁРОВА

БУХОРО ТУМАНИ МИКРОТОПОНИМЛАРИНИНГ
ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ТАДҚИҚИ

10.00.01 – Ўзбек тили

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2021

УДК:81`373.21.001.32(=575.146)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Адизова Нодира Бахтиёровна

Бухоро тумани микротопонимларининг лексик-семантик тадқиқи..... 5

Адизова Нодира Бахтияровна

Лексико-семантическое исследование микротопонимов Бухарского района 21

Adizova Nodira Baxtiyorovna

Lexical-semantic study of microtoponyms of Bukhara district..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 45

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.FiL.72.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АДИЗОВА НОДИРА БАХТИЁРОВА

БУХОРО ТУМАНИ МИКРОТОПОНИМЛАРИНИНГ
ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ТАДҚИҚИ

10.00.01 – Ўзбек тили

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазир. Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В 2019.2.PhD/ Fil 775 рақам би. рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-аси (www.buxdu.uz) ҳамда «Ziyouet» ахборот-таълим портали www.ziyouet.uz манзилларига штирилган.

Илмий раҳбар:

Қиличев Байрамали Эргашевич
филология фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Мухамедова Саодат Худойбердиевна
филология фанлари доктори, профессор

Рузимбаев Сарвар Сапарбаевич
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:


Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги PhD.03/27.02.2020.Fil.72.09 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «25» май соат 10.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М. Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (+99865221-29-14); факс: (+99865221-29-14), Email: buxdu_rektor@buxdu.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (53 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М. Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (+99865221-29-14).

Диссертация автореферати 2021 йил «28» апрель кунин тарқатилди.

(2021 йил «29» апрель даги 5-рақамли реестр баённомаси).



Д.С. Ўраева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси ўринбосари, филология фанлари
доктори, профессор

Г. И. Тоирова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, филология фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD), доцент

Д. З. Ражабов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, филология
фанлари доктори (DSc), доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида жой номларини ифодаловчи макро ва микротопонимлар тил ва нутқдаги ономастик бирликлар тизимида алоҳида ўрин тутиши билан эътиборни тортади. Жумладан, муайян туристик ҳудуднинг махсус тўпланмаган, кам ўрганилган топонимик бирликларини йиғиш, уларнинг лексик-семантик хусусиятлари, номинатив, коммуникатив, услубий вазифаларини аниқлаш эса бугунги глобаллашув жараёнида дунё халқлари ўртасида ўзаро ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий, маданий алоқалар, туристик муносабатларда амалий аҳамият касб этади.

Дунё тилшунослигида топонимшунослик тилшуносликнинг ономастика соҳаси таркибида муҳим йўналиш сифатида тобора такомиллашиб бормоқда. Унинг таркибида муайян маҳаллий ҳудуд жой номларини ифодаловчи урбаноним, гидроним, ороним, ойконим, хороним, некроним каби ономастиканинг мустақил турлари генезисини, этимологик хусусиятларини ўша ерда истиқомат қилувчи аҳолининг миллий анъана ва қадриятлари, турмуш тарзи, эътиқодий дунёқараши, тарихий-маданий бойликлари тўғрисидаги маълумотлар асосида аниқлаш, лексик-семантик хусусиятларини, халқнинг лисоний, тарихий, географик, этнографик, диний-мифологик қарашлари мужассамлашган топонимларнинг лингвогеографик, этнолингвистик, лингвокультурологик, концептуал, парадигматик, ономастик-грамматик белгиларини очиш муҳим долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда «Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир мустақил давлат ўз миллий манфаатини таъминлаш, бу борада аввало ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиий»¹ бўлган ҳозирги бир шароитда ишлаб чиқилган топонимик сиёсат топонимика соҳасини илмий-назарий ва амалий йўналишларда жиддий ривожлантиришни ҳам талаб этади. Шу каби талаб ва эҳтиёжлар натижасида ўзбек тилшунослигида халқ тарихи, қадрияти, анъана ва урф-одатларини ўзида тўлиқ ифодаловчи лисоний бирликлар – топонимларни муайян ҳудуд мисолида лингвистик тадқиқ этиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Бу жиҳатдан қадимдан шаклланган ва ҳозирда ижтимоий-иқтисодий, маданий ривожланиш йўлини босиб ўтаётган Бухоро тумани топонимларининг лексик-семантик, ономастик-грамматик хусусиятларини, келиб чиқиш асосларини лингвогеографик, этнолингвистик ҳамда лингвокультурологик аспектда ўрганиш долзарблик касб этади. Шу маънода, Бухоро тумани микротопонимларининг лексик-семантик тадқиқи юзасидан илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш зарурати мавжуд.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони // www.lex.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сонли «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сонли «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 989-сонли «Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисида низомни тасдиқлаш тўғрисида», 2020 йил 29 январдаги 40-сонли «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссиясининг фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация илмий натижалари маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида Ҳ.А.Смит, А.Л.Даузат, Г.Ж.Коплей, Г.В.Лемон кабиларнинг илмий изланишлари топонимиканинг фан сифатида шаклланишида алоҳида эътирофга лойиқ².

Рус тилшунослигида эса бу борада А.В.Суперанская, В.Д.Беленькая, А.А.Белецкий, О.Т.Молчанова, Э.М.Мурзаев, Н.Я.Подольская каби олимларнинг топонимика соҳасидаги мақсадли тадқиқотларни келтириб ўтиш ўринли³.

Ўзбек топонимшунослигининг назарий асослари яратилишида Т.Нафасовнинг Қашқадарё вилояти топонимлари, Ш.Қодированинг Тошкент микротопонимлари, Т.Раҳматовнинг Самарқанд топоними этимологияси, Ж.Латиповнинг Марғилон шаҳри жой номлари, Л.Каримованинг ўзбек тилида топонимларнинг ўрганилиши, С.Н.Найимовнинг Бухоро вилояти ойконимлари, З.Дўсимовнинг Хоразм топонимлари, Х.Холмўминовнинг

²Smit. A.H. English Place-Names Elements. – Cambridge: 1956. – 163 p.; Алберт Даузат. La Toponymie française. – Paris: Bibliothèque scientifique, Payot, 1960, Réimpression 1971 – 168 p.; Copley G. J. Names and Places with a short dictionary of common or wellknown place-names. – London: Phoenix House Ltd., 1963. – 226 p.; Lemon G.V. English Etymology. – G.: Robinson, 1783. – 693 c.

³Суперанская А. В. Что такое топонимика? – Москва: Наука, 1985. – 176 с.; Беленькая В.Д. Топонимы в составе лексической системы языка. – Москва., 1969. 166 с.; Белецкий А.А. Лексикология и теория языкознания (ономастика). – Киев., 1971. – 156 с.; Молчанова О.Т. Топонимический словарь Горного Алтая. – Горно-Алтайск, 1979. – 398 с.; Мурзаев Э.М. Очерки топонимики. – Москва: Мысль, 1974. – 382 с.; Подольская Н.В. Словарь русской ономастической терминологии. – Москва: Наука, 1988. – 188 с.

Сурхондарё вилояти топонимлари, Б.Ўринбоевнинг Жиззах ва Самарқанд вилояти топонимларининг изоҳи, А.Муҳаммаджоновнинг топонимлар илмий тавсифи ва этимологик таҳлилининг тарихий жиҳатлари, Э.Бегматовнинг ўзбек антропонимлари ҳамда топонимикаси, А.Отажонованинг Хоразм этнотопонимларининг назарий масалаларига бағишланган мақола, монография ва диссертациялари муҳим аҳамият касб этди⁴.

Бухородаги топонимлар, уларнинг номланиши ҳамда номланиш меъёрлари ҳақида тарихий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий манбаларда турли шарҳ, талқин мазмунидаги бир қанча қайдлар XX асргача ҳам мавжуд бўлган⁵.

Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон тилшуносларининг илмий изланишлари эътиборга олинди. Тадқиқотимизда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда, Бухоро тумани микротопонимларининг лексик-семантик тадқиқи масалалари монографик тарзда текширилган.

Тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбек тилшунослигида тил, шахс ва жамият муносабатлари тадқиқи муаммолари» (2017-2021 й.й) йўналиш доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Бухоро тумани топонимларининг келиб чиқиш омиллари, номланиш сабаблари, лексик-семантик ва ономастик-грамматик хусусиятларини топонимик таҳлил, лингвомаданий ҳамда этнолингвистик тамойиллар асосида аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Бухоро тумани топонимлари бўйича фактик материалларни йиғиб, уларни ифодаловчи ономастик бирликларга хос грамматик, лексик-семантик, этимологик, лингвотопонимик белгиларнинг умумий ва хусусий белгилари

⁴Нафасов Т. Қашқадарё область топонимлари: Фил. фан. ном.. дис. – Тошкент, 1968. – 301 б.; Кадырова Ш. М. Микротопонимы Ташкента: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1970. 28 – с.; Рахматов Т. Этимология топонима Самарканд. Советская тюркология. – Баку, 1973. – 4-сон. 43-50 – с.; Латипов Ж. Марғилон шаҳри ва унинг атрофи топонимияси: Фил. фан. ном.. дис. –Тошкент, 1975. – 219 б.; Каримова Л. Ўзбек тилида топонимларнинг ўрганилиши. – Тошкент: Фан, 1982. – 96 б.; Найимов С.Н. Ойконимы Бухарской области: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1984. – 20 б.; Дўсимов З. Хоразм топонимлари. – Тошкент: Фан, 1985. – 104 б.; Холмўминов Х. Бойсун район микротопонимларининг лексик-семантик хусусиятлари. Ўзбек тилининг лексик-грамматик хусусиятлари. Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент, 1988. – 73-75 б.; Ўринбоев Б. Жиззах вилояти топонимлари. – Жиззах, 1992. – 53 б.; Ўринбоев Б. Самарқанд вилояти топонимларининг изоҳи. – Самарқанд, 1997. – 202 б.; Муҳаммаджонов А. Жой номлари – тарихий манбадир. Илмий-амалий конференция докладлари тезислари. – Тошкент, 1994. – 15-17 б.; Бегматов Э. Истиклол ўлкасининг топонимик сиёсати. Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1997. – 3-сон. – 3-9 б.; Отажоннова А. Хоразм этнотопонимлари. – Тошкент: Фан, 1997. 94-111 б.

⁵Абу Бакр ибн Жаъфар Наршахий. Бухоро тарихи. – Тошкент: Фан, 1966. – 119 б.; Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдуллонома. 1-жилд. – Тошкент, 1966. – 273 б.; Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент, 1960. – 512 б.; Хаников Н.В. Бухоро хонлигининг тасвири – Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843, Соболев Л.Н. Географические и статистические сведения О Зерафшанском округе с приложением списка населенных мест округа. – СПб., 1874, Ситяковский Н.Ф. Заметки о Бухарской части долины Зерафшана. ИТОРГО. Т.1, вып. 2. 1900. 121-314 – с.

худуд аҳолисининг тили, дунёқараши, миллий анъана ва урф-одатларига боғлиқлигини очиб бериш;

Бухоро тумани топонимларининг ономастик-морфологик таркибини жаҳон тилшунослигидаги топонимшунослик термин ҳамда тушунчалари, тадқиқ тамойиллари ва усуллари асосида аниқлаш;

Бухоро тумани топонимларини ономастик-морфологик ва деривацион хусусиятлари ҳамда таркибий тузилиши бўйича таснифлаш;

Бухоро тумани худудидаги жой номларининг лисоний табиатини ономастик лексика сатҳи меъёрларига мос ҳолда очиш ва семантик типларини далиллаш;

Бухоро тумани топонимларининг келиб чиқиш асос ва омилларини, номланиш хусусиятларини синхрон, қисман диахрон аспектда ёритиш;

Бухоро тумани топонимлари бўйича изоҳли луғат яратиш асосида вилоят ва республика топонимия комиссиялари ишида жой номларини расмийлаштиришни тартибга солиш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро тумани топонимлари белгилаб кўрсатилган манбалар танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини Бухоро тумани топонимларининг этимологияси, лексик-семантик ва ономастик-грамматик хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қиёсий-тарихий, лингвогеографик, номинатив-ономосиологик, математик статистика, функционал-семантик каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Бухоро тумани топонимларининг худуддаги ҳамда мамлакатдаги топонимлар билан умумий ва хусусий белгилари шу жой аҳолисининг тил хусусиятлари, дунёқараши, миллий анъана ҳамда урф-одатларига боғлиқлиги йиғилган фактик далиллар орқали асосланган;

Бухоро тумани жой номларининг этимологияси, луғавий маънолари, фонетик, морфемик ва морфологик таркибий тузилишига кўра грамматик моделлари, уларнинг диахрон ҳамда синхронлиги ҳозирги ўзбек тили топонимикаси назариясига мувофиқ аниқланган;

Бухоро тумани худудидаги жой номларининг этнотопоним, антропотопоним, гидротопоним, фитотопоним, касб-кор атамалари асосида шаклланган семантик типлари, ойконимлар ономастик лексика сатҳи меъёрларига мос ҳолда таснифланиб, уларининг лингвистик табиатига хос лисоний, ономастик-грамматик, ономастик-морфологик, ономастик-синтактик хусусиятлари очиб берилган;

Бухоро тумани топонимларининг ясалишида кўпинча *работ*, *метан/митан* компонентлари, ономастик конверсия ҳамда негизларнинг синтактик алоқаси муҳим аҳамият касб этгани далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Бухоро тумани топонимлари бўйича йиғилган кенг фактик материаллар асосида жой номларини ифодаловчи ономастик бирликларга хос грамматик,

лексик-семантик, этимологик, лингвотопонимик белгиларнинг умумий ва хусусий белгилари ҳудуд аҳолисининг тили, дунёқараши, миллий анъана ва урф-одатларига боғлиқлиги далилланган;

ҳудуд топонимларига оид материаллар таҳлилидан келиб чиққадиган илмий хулосалар ўзбек топонимшунослигининг назарий ва амалий асослари ҳамда таҳлил усуллари бoйитиши асосланган;

Бухоро тумани топонимлари илмий тадқиқи натижалари ономастиканинг муҳим йўналиши бўлган топонимика бўйича изоҳли, имло луғатларини яратишда, вилоят ва республика топонимия комиссиялари ишида жой номларини расмийлаштиришни тартибга солиш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқишда манба сифатида қўлланиши мумкинлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усул ва назарий маълумотларнинг ишончли илмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар қиёсий-тарихий, лингвогеографик, таҳлил ва умумлаштириш, номинатив-ономосиологик, математик статистика, функционал-семантик методлар воситасида асосланганлиги, мавзу юзасидан чоп этилган монография, республика ва халқаро миқёсдаги илмий нашриётларда эълон қилинган мақолаларда келтирилган назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Бухоро вилояти ҳамда мамлакат ҳудудидаги ҳар бир туман топонимлари бўйича лингвистик тадқиқот юритиш, уларнинг грамматик, лексик-семантик, этимологик умумий ва хусусий белгиларини аниқлаш, изоҳли ва имло луғатини яратиш имконини бериши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган хулосалардан «Ўзбек ономастикаси», «Ўзбек диалектологияси», «Ҳозирги ўзбек тили» фанларига алоқадор муаммоларни тадқиқ этиш билан боғлиқ илмий-назарий қарашларни тўлдириш ва кенгайтириш, «Бухоро тумани топонимларининг изоҳли луғати»ни яратиш, ёш авлод тарбиясида она-Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини ривожлантиришда фойдаланиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бухоро тумани топонимларини лисоний тадқиқ қилиш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

Бухоро тумани топонимиясини ўрганиш ва илмий хулосалар чиқаришда, ўзбек номшунослигида ҳозирга қадар мавжуд бўлган илмий тасаввурларни маълум даражада тўлдиришда, ўзбек диалектологияси, ўзбек тили тарихий лексикологияси очиқ беришдаги илмий-назарий қарашлардан 2012-2016 йилларда бажарилган Ф1-ХТ-0-19919-рақамли «Ўзбек мифологияси ва унинг бадиий тафаккур таракқиётида тутган ўрни» мавзусидаги фундаментал илмий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020

йил 10 декабрдаги 89-03-5187-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек халқ мифологияси материалларида учрайдиган жой номлари, уларнинг миллий анъана ва урф-одатлар билан боғлиқлиги оидинлаштирилган;

Бухоро тумани топонимларининг назарий ва амалий жиҳатдан асосланган «Бухоро тумани топонимлари» (ISBN 978-994-3602-1-4) деб номланган монографиясидан олий таълим тизими 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) бакалаврият таълим йўналишида «Ҳозирги ўзбек адабий тили. Лексикология», «Тил тарихи», «Ўзбек диалектологияси», «Ареал лингвистика», «Ономастика»; 5121000 –Тарих. Бухоро тарихи бакалаврият таълим йўналишида «Бухоро топонимияси», «Бухоро археологияси», «Тарихий ўлкашунослик»; 5146100 –География бакалаврият таълим йўналишида «Топонимика», «Бухоро географияси», «Ўлкашунослик» фанлари бўйича маъруза ва амалий машғулотларида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 10 декабрдаги 89-03-5187-сон маълумотномаси). Натижада бу талабаларнинг топонимика бўйича назарий тушунчаларини кенгайтириши билан таълимда ўқитишнинг илмий-методик самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

«Бухоро туман микротопонимларининг лексик-семантик тадқиқи» мавзуга оид тадқиқоти натижаларидан Бухоро вилояти телерадиокомпаниясининг «Долзарб мавзу», «Қадрият, урф-одат ва анъана», «Ўзбеккона», «Адабиёт дарси», «Адабий муҳит» каби телекўрсатувларида, шунингдек, «Қадриятлар қадим бешиги», «Маънавият гулшани» каби радиоэшиттиришларида фойдаланилди (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Бухоро» телеканалининг 2020 йил 23 июндаги 1/158-сон маълумотномаси). Натижада вилоят топонимиясига тегишли айрим тарихий топонимларнинг маъноси, уларнинг пайдо бўлиш сабаблари ва айрим ойконимларнинг ясалишида *работ*, *метан/митан* компонентлари муҳим аҳамият касб этиши ҳақидаги маълумотлар томошабинлар аудиториясига етказилган;

«Бухоро тумани топонимлари» монографиясидан вилоят географик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи комиссия фаолиятида фойдаланилган (Географик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи вилоят комиссияси 2020 йил 7 декабрдаги 19/4829-сон маълумотномаси). Натижада «Бухоро тумани топонимлари» монографиясида келтирилган маълумотлардан Бухоро тумани ҳудудида мавжуд бўлган ойконим, гидроним, некроним ва фитонимлар, шунингдек, бошқа турли географик объектларнинг номларини шарҳлаш, уларнинг келиб чиқиши ва этимологияси билан боғлиқ масалаларни аниқлашда асос вазифасини ўтаган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 12 та, жумладан, 3 та халқаро, 9 та республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этирилган, жумладан, 1 та

монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 7 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда эълон қилинган. Scopus базасидаги журналда 1 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Иш кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 125 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, илмий тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, объекти ва предмети, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, жорий қилиниши, апробацияси, тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Ўзбек тилшунослигида жой номларини ўрганиш йўналишининг шаклланиши**» деб номланган. Бобнинг «Жой номлари ва улар билан алоқадор тушунчаларнинг ўрганилиши» деб номланган биринчи фаслида топонимлар, уларнинг турлари, шакл ва кўринишлари масаласига бағишланган ишлар таҳлили келтирилган.⁶

Топонимика географик номларни ўрганиш билан шуғулланувчи; лингвистиканинг тил тарихи, диалектология, этимология, лексикология каби соҳалари билан кесишадиган; тарих, география, этнография фанлари билан узвий алоқадорликда бўлган алоҳида бир соҳадир. Шунингдек, топонимика лексикологиянинг географик номларни ўрганувчи бўлими; бирор ҳудуднинг географик номлари жамланмаси, деб ҳам таърифланади.

Географик объектнинг атамашуносликдаги умумлашма номи *топоним* ҳисобланар экан, ушбу атама асосида *топонимия*, *топонимика* кабилар тегишли ҳудудда яшайдиган миллат ва халқларнинг ўтмишини, тарихий ривожланишини ҳамда этник жиҳатларини ўзида мужассамлаштирган бўлади. Ономастикада *топоним*, *топонимия*, *топонимика* каби тушунчалар бири иккинчисини, иккинчиси учинчисини ва ҳ.к. тақозо этади. *Топоним* – ҳар қандай жойнинг номи; *топонимия* – бирор тил ёки ҳудудда учрайдиган жой номлари мажмуаси, *топонимика* (*топонимистика/топономастика* деб

⁶Подольская Н.В., Суперанская А.В. Терминология ономастики // Вопросы языкознания. – 1969. - №4. – С.141; Никонов В.А. Введение в топонимику. – М.: Наука, 1965. – С.164; Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. – Т.: Фан, 1965. – Б.3; Қораев С. Географик номлар маъноси. – Т.: Ўзбекистон, 1978. – Б.6; Бегматов Э., Улуков Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. – Наманган, 2006. – Б.76-83.

номланиш ҳам кузатилади) – номшуносликнинг жой номларининг пайдо бўлиши, ривожи, вазифавий хусусиятларини ўрганувчи соҳасидир.

Ушбу бўлимда узоқ ўтмишдан бугунги кунга қадар топонимия соҳасида амалга оширилган ишлар танқидий жиҳатдан таҳлил этилган. Шунингдек, ўзбек топонимиясини тадқиқ этиш борасида бажарилган ишлар 5 гуруҳга ажратилган ҳолда шарҳланган.

Бобнинг «Ономастикада топонимиканинг ўрни, ёндош фанлар билан муносабати ва топонимларнинг номланиш хусусиятлари» деб номланган иккинчи фаслида топонимика ономастиканинг географик номлар (топонимлар), уларнинг қўлланиши, маъноси, келиб чиқиши, таркиби, тарқалиш ареали, даврлар давомида тараққиёти ва ўзгаришини ўрганувчи бўлими эканлиги ҳамда ономастикада ўзига хос ўринга эгаллиги бир қатор манбаларга таянган ҳолда асослаб берилган.

Атоқли от даражасига кўтарилган жой номлари ономастиканинг тадқиқ соҳасига киради. Ономастикада атоқли отлар ҳам, улар билан алоқадор бўлган турдош отлар ҳам тадқиқ объекти бўлиши мумкин. Топонимлар ўзи атаган объект ҳақида кўплаб маълумотларни бериши мумкинки, тилнинг бошқа ҳодисасида бундай имконият мавжуд эмас. Топонимика ономастиканинг бир соҳаси сифатида унинг таркибига кирувчи йўналишлардан айрим ўзига хосликларга эгаллиги билан ажралиб туради. Аввало, топонимика қамровида географик бирликлар ўрганилади, қолаверса, ушбу бирликлар ўзига хос ясалиш хусусиятларига эга. Топонимияда ҳар бир объект ўз номига эга. Уларнинг алоҳида ясалиш қонуниятлари, усуллари мавжуд. Топонимлар апеллятив лексика билан чамбарчас боғлиқ. Шунингдек, топонимларда конверсия – кўчиш усули кенг қўлланади.

Топонимлар ижтимоий талаб, кундалик эҳтиёж натижаси сифатида юзага келади. Ишда бу эҳтиёжларга асос бўлган 7 та омил мисоллар асосида баён этилган. Жойга ном бериш жараёни эҳтиёж, таклиф, ном, мослашиш, номланиш каби босқичларни ташкил этади. Бунда бирор географик объектга ном бериш эҳтиёжи юзага келади, объектнинг бирор жиҳати (тарихи, аҳолисининг этник қатлами, касб-кори, жойнинг рельефи, бирор йирик объектга яқинлиги ва ҳ.к.)дан келиб чиқиб ном таклиф этилади. Келишиш ёки тасодифийлик асосида пайдо бўлган ном қисқа ёки узоқ муддат объектни номлашга хизмат қилади.

Мазкур қисмда топонимиканинг тарих ва география фанлари билан муносабати масаласи ҳам таҳлил этилган. Бунда топонимлар ўзи мансуб бўлган ҳудуд тарихи, маданияти, аҳолининг турмуш тарзи, тили, жойнинг географияси ҳақида маълумот берадиган муҳим манба эканлиги, шунинг учун улар нафақат тилшунослик, балки тарих ва география соҳаларининг ҳам ўрганиш объекти саналиши таъкидланган.

Топонимлар ўзи аталган ҳудуднинг тарихи, унинг тарихий тараққиёт йўлини ҳам ёритувчи бир восита саналади. Деярли барча топонимлар бирор-бир тарихий ҳодиса ёки жараён ҳақида маълумот беради. Шунинг учун топонимлар халқ тарихини ўрганиш манбаи саналади. Жой номларида турли

даврлардаги муҳим воқеалар, тарихий шахслар, у ерда яшаган халқнинг этник хусусиятлари ўз аксини топади.

Жой номлари география фани билан ҳам узвий алоқада туради. Топонимлар, аввало, географик объектларнинг аниқ манзилларини кўрсатади. Шунинг учун топонимика география фани учун алоҳида аҳамиятли бўлиб, айрим олимлар уни географик фанлар сирасига қўшадилар. Ҳақиқатдан ҳам, топонимларнинг маъносини аниқлашда географик қонуниятлар кўл келади. Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, жой номларни географиядан ажралган ҳолда ўрганиб бўлмайди. Чунки топонимиканинг муаммоларини географларнинг иштирокисиз ҳал қилиш мавҳум ва нотўғри хулосаларни келтириб чиқаради.

Географик қонуниятларни билмасдан туриб топонимларнинг этимологияси ҳақида фикр билдириш кўпинча хатоликни юзага чиқаради. Номлар воситасида ҳудуднинг табиий-географик, аҳолининг жойлашиш хусусиятларини, аҳоли манзилларининг шаклланиш жиҳатларини аниқлаш мумкин. Номлар кўп ҳолатларда ўсимликлар, жониворлар, фойдали қазилмалар, кишлоклар, дарёлар ва бошқа географик объектларнинг номлари бўлганда, у ёки бу ҳудуднинг аввалги ёки ҳозирги табиий шароити ҳақида қўшимча манба бўлиб хизмат қилади.

Мазкур бўлимда топонимика тилшуносликнинг алоҳида соҳаси саналган ономастиканинг таркибий қисми эканлиги ҳамда у лингвистика доирасида туриб тарих ва география фанлари билан алоқадорликда тадқиқ қилиниши асосланган.

Бобнинг учинчи фасли «Ўзбек топонимиясида тасниф масаласи» деб номланган. Диссертациянинг бу фаслида ўзбек тилшунослигида топонимларни таснифлаш бўйича қилинган ишларга диққат қаратилган.

Ўзбек тили топонимларини таснифлаш масаласи тадқиқотчиларнинг доимий диққат марказида бўлган ва бир неча махсус ишлар амалга оширилган⁷. Топонимларни таснифлашда асосан икки йўналиш – *лексик-семантик ва грамматик тузилишига кўра тасниф* қилиш яққол кўзга ташланади. Ишда 1-қараш тўрт гуруҳни ташкил этиши, 2-қараш эса беш гуруҳни камраб олиши баён этилган.

Қашқадарё вилояти ва шимолий ўзбек шевалари топонимларини ўрганган Т.Нафасов ва Л.Каримовалар лексик-семантик таснифнинг анча мукамал вариантини таклиф қилган.

Айрим тадқиқотчилар жой номларининг қўлланиш хусусиятига кўра, ҳудудга нисбатан катта-кичиклигига кўра, қандай таркибий қисмлар (компонентлар)дан иборат эканлигига кўра, жой номларининг лексик, лексик-семантик ҳамда морфологик таснифи кабиларни таклиф этганлар⁸. Биз ишимизда лексик, лексик-семантик ҳамда грамматик таснифдан фойдаланишни маъқул кўрганмиз.

⁷Дўсимов З. Топонимлар таснифи масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1978. – 1-сон. – Б. 17-20.

⁸Назаров К., Эназаров Т. Жой номларини йиғиш сўроқлиги. – Т.: Университет, 1995. – Б.19-24.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Бухоро тумани микротопонимларининг таркибий ҳамда мазмуний тадқиқи**» деб номланган. Бобнинг «Бухоро тумани топонимларининг фонетик ва таркибий тузилиши» номли биринчи фаслида, аввало, Бухоро тумани топонимларининг фонетик тузилиши, уларда товушларнинг жойлашиши, номнинг қанча ва қандай товушлардан ҳосил бўлиши таҳлил этилди.

Ном таркибидаги морфологик қурилиш унинг лексик-семантик хусусиятларини аниқроқ, батафсилроқ баён этишга кўмакчи эканлигини англаган ҳолда биз номларни бир асосли (*Калон, Работ, Қум* каби), асос+аффикс шаклидаги (*Бозор+чи, Дўст+лик, Жўйбор+ча, Олма+зор, Работ+ак, Рег+зор, Сандиқ+ли*) ва асос+асос шаклидаги (*Беи+ариқ, Оқ+работ, Тош+мачит, Хўжа+работ, Қум+работ, Ҳазрат+бобо*), асос+асос+аффикс шаклидаги (*Йўл+бош+чи, Сув+чиқ+ар*) кабиларга ажратиб ўргандик. Асос+асос шаклидаги (*Амир+обод, Давлат+обод, Саттор+обод, Хон+обод*) номлар таркибидаги *обод* топоформантига алоҳида тўхтаб ўтилди.

Бухоро тумани ҳудудидан мингга яқин географик объект аниқланди:

Т/р	Географик объект номи	Сони	Ҳоизи
1	Қишлоқ	253	25,9
2	Экин ерлар	207	21,23
3	Қабристон	126	12,9
4	Ариқ	106	10,87
5	Тепа	59	6,05
6	Авлиё-зиёратгоҳ	30	3,07
7	Масжид	24	2,46
8	Боғ	23	2,35
9	Қудуқ	21	2,15
10	Ҳазира	20	2,05
11	Канал	18	1,84
12	Йўл	17	1,74
13	Кўприқ	15	1,50
14	Ҳовуз	14	1,43
15	Дарахт	12	1,23
16	Кўча	10	1,02
17	Заҳкаш	10	1,02
18	Чашма	4	0,41
19	Кўл	3	0,30
20	Сув омбори	1	0,10
21	Чўл	1	0,10
22	Қир	1	0,10
Жами умумий		975	

Бобнинг иккинчи фаслида «Бухоро тумани топонимларининг асослари» масаласи тадқиқ этилди. Топонимларнинг пайдо бўлиши маълум бир сабаб

ва қонуниятлар асосида рўй беради. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳудуддаги географик объектларнинг номлари бирор сабаб ёки бирор асоснинг натижасидир. Топонимларнинг шаклланиши йўли, пайдо бўлиш жараёни муайян лисоний қонуниятларга амал қилинган ҳолда ҳамда бевосита маҳаллий аҳоли тили (шеваси)нинг лисоний имконияти ва birlikлари иштирокида кечади. Мазкур фаслда Бухоро тумани топонимларининг юзага келишига сабаб бўлган лисоний омиллар тадқиқ этилди. Буларнинг асосийси антропоним асосли топонимлар бўлиб, туман ҳудудидаги географик номларнинг 24% шу омил асосида шаклланганлиги аниқланди.

Географик объект	Умумий сони	Антропоним асосида шакллангани	Ҳисса
Боғлар	23	16	69,5
Авлиёлар	30	14	46,6
Ҳовуз	14	6	42,8
Масжид	24	10	41,6
Ҳазира – мақбара	20	8	40
Кўприклар	15	6	40
Қабристон	126	49	38,8
Кўл	3	1	33,3
Далалар	207	65	31,4
Кудуқ	21	6	28,5
Тепалик	59	14	23,7
Ариқлар	106	15	14,1
Кўчалар	10	1	10
Йўллар	17	1	5,8
Маҳалла	36	2	0,5
Қишлоқлар	253	11	0,4
Жами	964	225	24

Шунингдек, белги, миқдор билдирувчи сўз асосли, этноним, литоним, ва гидроним асосли топонимлар ажратилди ҳамда уларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида таҳлил этилди.

Бобнинг «Тумандаги ойконимлар таснифи» деб номланган учинчи фаслида ҳудудда аниқланган ойконимлар таҳлил этилган. Ойконимлар ономастик лексиканинг асосий йўналиши ҳисобланган топонимларнинг бир туридир. Ойконимлар Бухоро туманида 29,8%ни ташкил этади. Туман ойконимлари сирасида *Галаосиё* (*Галосиё*) номи алоҳида ўрин тутди. Мазкур ойконимнинг этимологияси хусусида бир қатор фикрлар баён этилган⁹. Манбаларда билдирилган фикрлардан хулоса қилиш мумкинки,

⁹Найимов С. Бухоро вилояти жой номларининг қисқача изоҳли луғати. – Бухоро, 1997. – Б.14; Нафасов Т. Қашқадарё қишлоқномаси. Қашқадарё вилояти қишлоқлари номининг тадқиқи. – Т.: Мухаррир, 2009. – Б.79-81; Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. – Т., 2005. – Б.57.

Галаосиё ойконими *тегирмон* маъносидаги бирлик асосида шаклланган. *галла осие* – *галла тегирмони* маъносига эга бирликнинг товуш ўзгаришлари орқали *гала осие* шаклига, ундан атоқли от сифатида Галаосиё кўринишига ўтган. Қолаверса, бу ҳудуддан Зарафшон дарёсининг бир ирмоғи оқиб ўтган. Мана шу ирмоқ лабида ғаллани унга айлантирадиган тегирмонлар жойлашган. Демак, *Галаосиё* – *галла осие* – *галла тегирмони* сифатида шарҳланиши ҳақиқатга яқинроқ.

Шунингдек, ушбу бўлим аввалида қишлоқ номлари таҳлил этилган. Ҳудуддаги қишлоқ номлари тарихий топоним (*Арабхона, Афғонон, Бешбўри, Бешкана*), тарихий топоним асосида ясалган замонавий номлар (*Кичик Арабхона, Обод Мангитон, Юқори Арабхона, Юқори Кобдун*), таркибида миқдор билдирувчи сонлар мавжуд бўлган номлар (*Бешариқ, Чилтаноп, Чоррабат, Чорбакр, Чорраҳа*), жойлашиш ўрнига ишора қилувчи номлар (*Арабхонаиболо, Бозорчаболо, Дардкашиболо, Деҳимиёна, Кунжиқалъа*), белги-хусусият асос бўлган номлар (*Оқрабат, Оқнўлат, Сангсабз, Қоражери*), миллат, халқ, уруғ, қабила, қавм билдирувчи сўзлар асосида пайдо бўлган номлар (*Арабхона, Афғонон, Бешбўри, Ёбухона, Жанафар, Кичикбой, Қалмоқон, Қоракўлиён*), антропонимлар асос бўлган номлар (*Давлатобод, Қавола Маҳмуд, Қози Саид, Работи Миржон*), касб-хунарни билдирувчи сўз асосида шаклланган номлар (*Бахмалбоф, Бозорчи, Ваҳмкор, Гилембоф, Деғрез, Дўғдўз*) каби ўндан ортиқ маъно гуруҳига ажратилган.

Фасл якунида ҳудуддан аниқланган 36та маҳалла номлари – **комонимлар** ҳам таркибида антропоним, этноним, ҳажм-ўлчов билдирувчи ҳамда жойлашиш ўрнига ишора қилувчи бирлик воситасида ҳосил қилинганлигига қараб таҳлил этилган.

Диссертациянинг «**Бухоро тумани ойконимларининг шаклланиш асослари ва ясалиш хусусиятлари**» деб аталган учинчи бобига қарашли «Топонимлар шаклланиш асосларининг ранг-баранглиги» номли илк фаслда ҳудуддаги топонимларнинг шаклланиши учун асос бўлган бир қанча омиллар баён этилган. Тумандаги топонимларнинг кўпчилиги учун этнонимлар асос вазифасини ўтагани кузатилади. Маълумки, уруғ, қабила ва халқ номлари асосида пайдо бўлган жой номлари фанда **этнотопоним** деб юритилади. Этнонимларнинг жой номига айланиши икки кўринишга эга. Биринчидан, этноним тўғридан-тўғри жой номи маъносини ифодалайди, иккинчидан эса айрим номлар этник элемент (этноним)нинг бошқа сўзлар билан қўшилишидан ҳосил бўлган. Бухоро тумани ҳудудида қадимги даврлардан бошлабқ турли халқ, элат ва қабилалар истиқомат қилиб келганлиги билан ажралиб туради. Бу ҳудудда туркий қавмларнинг ўндан ортиғига мансуб аҳоли яшаган. Булар жумласига араблар, форслар каби ноқардош халқлар ҳамда турли туркий қабилаларни киритиш мумкин. Фаслнинг 1-бандида *Алотхона, Арабхона, Афғонон, Бешбўри, Бойбича, Дарғали* каби ўттизга яқин этнотопонимлар лисоний жиҳатдан таҳлил этилган бўлса, унинг «Антропотопонимлар» деб номланган бандида киши исмлари асосида шаклланган географик номларга оид таҳлиллар берилган. «Гидротопонимлар» номли бандда туман ҳудудидаги *Ариқча, Бешариқ,*

Жўборча, Лабижўй каби ўнга яқин номлар ҳамда улар боғлиқ *ариқ, жўй, рўд, об* гидроиндикаторларнинг вазифалари тадқиқ этилган. «Касб-кор атамалари асосида шаклланган топонимлар» бандида *Бахмалбоф, Бозорчи, Бўламахўрон, Дегрез, Дўғдўз, Гилембоф* каби йигирмага яқин топонимлар асосида ҳудудда деҳқончилик ва ҳунармандчилик узоқ тарихга эгалиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин бўлди. Ҳудуддаги *Боғидашт, Боғикалон, Боғимаржон, Кўчабоғ* каби номлар «Фитотопонимлар» бандида лисоний таҳлил этилди.

